

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 135 (10.188)

2004 ЙИЛ 15 ИЮЛЬ

**ПОЙТАХТНИНГ
бир кўни**
Янгиликлар, воқеалар

Кўсак
сўзлар

● **КЕЧА** Миробод туманидаги «Биродарлик» маҳалласида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бажариш масалалари муҳокама этилди.

● **КЕЧА** Акмал Икромов туманидаги Файзулла Хўжаев маҳалласида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан тузилган «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида кўча оммавий спорт ўйинлари уюштирилди.

● **ХАМЗА** туманидаги «Тошкент-вино» очик акционерлик жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Биз экстремизм ва терроризмга қаршимиз» мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги Охунбобоев номли маҳаллада ёшлар иштирокида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими томонидан уюштирилган тадбир «Маҳаллам ариқлари» деб номланди.

● **«СЕБЗОР»** маҳалласида болалар учун янги фаввора қурилиб, фойдаланишга топширилди.

● **РЕСПУБЛИКА** расомчилик коллежида «Ёш мусаввирлар» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
муҳбирларимиз
хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

**Р.Қосимжоновни Амир Темур ордени
билан мукофотлаш тўғрисида**

Шахмат бўйича 2004 йил жаҳон биринчилигида ғолибликни қўлга киритиб, халқимизга хос юксак интеллектуал салоҳият, мардлик ва жасорат намунасини амалда намойён этгани, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, унинг шўхратини бутун дунёга тараннум этишга қўшган улкан ҳиссаси учун Рустам Қосимжонов Амир Темур ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 14 июль

Муносабат

ЮКСАК ҒАЛАБАГА МУНОСИБ МУКОФОТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан кўни кеча шахмат бўйича жаҳон чемпиони деган шарафли унвонни қўлга киритган Рустам Қосимжоновнинг Ватанимизнинг юксак мукофоти - Амир Темур ордени билан тақдирлангани жамоатчилигимиз, халқимиз кўнглидаги иш бўлди. Ёш ўзбек гроссмейстерининг буюк саркарда ва давлат арбоби, соҳибқирон бобомиз номи билан аталадиган олий мукофотга сазовор бўлганида ўзига хос рамзий маъно бор.

Авваламбор, дунё шахмат оламида катта обрў-эътибор қозongan юртдошимиз эришган бу улкан ғалаба Амир Темур каби мумтоз сиймонинг «Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз?» деган даъваткор сўзларини беихтиёр ёдга солади. Чунки Рустам Қосимжоновдек юксак ақлзаковат, мустаҳкам ирода ва шижоат соҳиблари бой тарих ва бетакрор маданиятга, теран маънавий илдишларга эга бўлган, ўз аждодларининг бекиёс меросини асраб-авайлаб, уни янада бойитиш, ривожлантиришга интилиб яшайдиган халқ орасидан етишиб чиқиши яхши маълум.

Бошқача айтганда, не-не буюк зотлар учун муқаддас бешик бўлган қадимий заманимиздан соҳибқирон Амир Темурдек буюк шахснинг етишиб чиққани бежиз бўлмаганидек, Рустам Қосимжоновнинг айнан ўзбек диёрида туғилиб, камол топгани, жаҳон шахмат тожини қўлга киритгани ҳам тасодиф эмас. Бу ғалабани аввало она юртимизда қадимдан мавжуд бўлган маданий муҳит, юксак тафаккур мактабининг мантикий ҳосиласи, деб қабул қилсак, ўринли бўлади.

Шу борада Амир Темур бобомизнинг ўзи ҳам шахмат илмини пухта эгаллагани, оғир вазиятларда, кўпгина мураккаб муаммоларни ҳал этишда ноёб мўъжиза бўлмиш шахмат санъати унга руҳий мадад ва кўмак берганини айтиб ўтиш жоиз.

Буюк соҳибқирон бобомизнинг Ватанимиз ва халқимиз озодлиги йўлида олиб борган курашларида, қудратли давлат барпо этиш, эзгулик ва бунёдкорлик борасидаги улкан ишларида илму фан, санъат, жумладан, шахмат ҳам унинг ақл-идрокини чархлайдиган ўзига хос бир восита бўлганини кўпгина тарихий мисолларда кўриш мумкин.

Улуғ бобомизга мансуб ана шундай теран тафаккур, мардлик ва жасорат фазилатларини намойён этган Рустам Қосимжонов гўзал ва бетакрор юртимиз - Ўзбекистонимиз номини бутун дунёга тараннум этди, жаҳон жамоатчилиги томонидан шахмат қироли, деб тан олинди.

Ливия пойтахти олис Триполи шаҳрида дунёнинг 56 мамлакатидан келган 128 нафар манаман деган шахмат усталари иштирокида ўтган кескин ва машаққатли

беллашувлар пайтида Рустамни Амир Темур каби буюк аждодларимизнинг ўлмас руҳлари ҳам қўллаб-қувватлаган бўлса, ажаб эмас.

Барчамиз неча йиллардан буён орзиқиб кутган бу тарихий ғалаба халқимиз, аввало униб-ўсиб келаётган ёшларимизни мана шундай улуғвор ишлар, юксак марралар сари руҳлантиради, уларнинг ўз кучи ва салоҳиятига, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди, ғурур-ифтихор манбаи бўлиб хизмат қилади.

Бу юксак мукофот тобора кучга тўлиб, билим ва тажрибаси ортиб бораётган Рустам Қосимжоновни янги-янги ғалабаларга чорлаши, илҳомлантириши шубҳасиз. Биз шахмат бўйича 2004 йил жаҳон чемпиони, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжоновга Амир Темур бобомизга хос фазилатлар ҳаммаша ёр бўлишини тилаймиз.

Шу кунларда Давлат спорт қўмитаси, матбуот, радио ва телевидение таҳририятлари, чемпионимиз номига келаётган минглаб табрик ва кутловларда ана шундай эзгу тилаклар мужассам.

ЎЗА

Рустам Қосимжоновнинг улкан ғалабаси мамлакатимиз, шаҳримиз аҳлини тўлқинлантириб юборди. Ҳамшаҳрла-

римиз таҳририятимизга кўнғироқ қилишиб, мактублар йўллаб ўз қувончларини изхор этишмоқда.

XXI саҳоси
Барча малбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кеча Оксаройда АҚШ давлат котибининг Европа ва Евроосий масалалари бўйича ёрдмачиси Элизабет Жонсни қабул қилди.

● Кеча Жиззах шаҳрида Ўзбекистонда 2004 йилда ҳудудий демократик сайловлар ўтказишнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

● Навоий вилоят марказида вилоятлараро маълумотларни тармоққа узатиш маркази иш бошлади. Вилоят гидрометеорология бошқармаси ҳузурида ташкил этилган мазкур марказ метеорологларнинг ишини бир неча баравар осонлаштиради.

● Юқори Чирчиқ туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалигида 3000 дан ортиқ кишига хизмат кўрсатувчи янги кишлоқ шифокорлик пункти фойдаланишга топширилди. Уни қуриш ва жиҳозлашга 2 миллион сўм сарфланди.

Жаҳонда

● 52 ёшли собиқ коммунистия вазир Аҳмад Назиф бошқараётган 34 нафар вазирдан иборат Мисрнинг янги ҳукумати мамлакат Президенти Хусни Муборак ҳузурида қасамёд қабул қилди.

● Малайзияда ҳозирда ишсизлик 3,5 фоизни ташкил этмоқда. Асосан шу сабабдан Малайзия матмурияти мамлакатда фаолият кўрсатаётган 1,2 миллион муҳожири чиқариб юборишни режалаштирмоқда.

● Жанубий Америкада об-хаво кескин совиб кетди. Хусусан, Аргентина ва Чилида кескин совуқ 8 кишининг ҳаётига зомин бўлган бўлса, Перуда 75 мингга уй ҳайвони қирилиб кетди, 53 киши бошпанасиз қолди.

● БМТнинг Бутунжаҳон мероси бўйича қўмитасининг 28-сессиясида қабул қилинган қарорга кўра, ЮНЕСКОнинг жаҳон осори-атикалари рўйхати 16 та янги тарихий обектлар билан бойиди.

● ОИТС, диабет, кутуриш ва силга қарши генетик ўзгартirilган ўсимликлардан тайёрланадиган дорилар 2006 йилда ишлаб чиқарилиши мумкин. Улар заводларда чиқарилаётганидан анча арзон бўлиши сабабли ривожланаётган мамлакатларни дорилар билан таъминлашга имкон яратади.

Дарҳақиқат, олий маълумотга эга бўлиш истатини билдирганлар сони йил сайин кўпайиб бораётгани кувонарли ҳолдир. Лекин ҳар галгидек фақат мукамал билимга эга бўлган ўғил-қизларгина ўқишга қира олишига шубҳа йўқ. Албатта, омад ҳам муҳим омилдир, бироқ у ҳар доим ва ҳаммага ҳам қулиб боқавермайди. Колаверса, ҳаётнинг сабоғи шуки, муваффақиятга эришишнинг биринчи ва асосий гарови билим ва фақат билимдир. Олий ўқув юртларига кириш шартларига бу йили ҳам грант ва шартнома асосида ўқишга доир аънанавий ўзгаришлар киритилган. Шу билан бирга кўпчиликини қизиқтириши мумкин бўлган айрим янгиликлар ҳам бор. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест маркази директори ўринбосари Мирзамахмуд ТУХТАЕВ билан суҳбатимиз айнаш шу мавзуда кечди.

— Мирзамахмуд Аҳмедович, мумкин бўлса, суҳбатимиз аввалида бугунги куннинг энг долзарб мавзусини шарҳлаб берсангиз: олий таълим муассасаларининг сиртки бўлимларига бу йили қабул бўладими?

— Албатта, ўқишдан ажралмаган ҳолда танланган мутахассислик бўйича ишлашни хоҳлаганларни рағбатлантириш истагимиз йўқ, бироқ 2004-2005 ўқув йилидан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги қарорига мувофиқ олий ўқув юртларининг сиртки бўлимларига қабул жараёни тўхтатилади. Таълим олишнинг сиртки шакли самарасиз деб тан олинди. Таъкидлаш лозимки, бундай ҳулоса Давлат тест маркази қошидаги Таълим сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси томонидан сиртки бўлимларнинг ўқув жараёнига бўйича узоқ ва чуқур олиб борилган таҳлилий ўрганишлар натижаларига асосан чиқарилиди. Ўрганишлар давомида ўқитиш жараёни ҳамда кадрлар тайёрлашнинг сифати замон талабларига жавоб бермаслиги, шунингдек ишлаб чиқаришдан озод бўлмаган тарзда олий ўқув юрти битирувчиларнинг кўпчилиги тегишли равишда билими етарли эмаслиги сабабли ўз мутахассислиги бўйича фаолият юртиматбаълиги аниқланди.

Аммо шунини алоҳида айтиб ўтиш керакки, айрим педагогик йўналишдаги олий ўқув юртларида сиртки бўлимлар сақланиб қолинган ва жорий ўқув йилида бундай махсус сиртки бўлимларга ўрта махсус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича қамада уч йил амалий фаолият юртган педагог кадрлардан, жумладан болалар спорти мураббийларидан бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул давом этади. Эслатиб ўтиш жоиз, бу тизим уч йил илгари жорий этилганди. Махсус сиртки бўлимларга умумий қабул сони 5 минг киши бўлиб, давлат грантлари асосида 1200 нафар, тўлов шартномаси бўйича — 3800 нафар талаба тахсил олиш ҳуқуқига эга. Умумий маълумот учун шунини қўшимча қилиш мумкинки, бугунги кунга келиб сиртки бўлимлар республикамизнинг 13 та университети ва етти та институтида ташкил этилган. Тошкент шаҳрида сирткидан ўқиш учун қабул Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат педагогика университети ва Тошкент информатсион технологиялар университети тегишли факультетларида жорий қилинган. Ўқишга кириш жараёнида абитуриентлар тест синовларидан ўтишдан ташқари, шунингдек танланган педагогик йўналишларидан келиб чиққан ҳолда санъат, маданият соҳалари ёки жисмоний тарбиядан ижодий имтихон топширадиган. Дарвоқе, махсус сиртки бўлимларга қираётганлар педагогика бўйича дастлабки тегишли тажрибага эга бўлганлиги боис бакалавриатурада уч йил тахсил оладилар.

— Кундузги бўлимларга қабул қилиш шартлари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Бугунги кунда мамлакатимизда 70 дан зиёд олий ўқув юртлари мавжуд бўлса, шундан деярли ярми — 32 таси Тошкент шаҳрида жойлашган. Юқорида зикр этилган қарорга мувофиқ 2004-2005 ўқув йилида барча ўқув юртларига умумий ҳисобда 51.175 нафар талаба-бакалавр, шундан 19.975 таси давлат гранти асосида, 31.200 таси эса шартнома асосида қабул қилинади. Бундан ташқари, олий таълимнинг иккинчи босқичи — магистратурага қабул сони 5400 киши бўлса, шундан 1400 нафари — давлат гранти асосида тахсил олиш ҳуқуқига эга.

— Олий ўқув юртларига киришда қимларга имтиёзлар белгиланган? Тест синовларисиз ҳам қабул кўзда тутилганми?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 майдаги қарорига мувофиқ бундай ҳуқуқ мuddатли ҳарбий хизмати ўтаган ёшларга берилган. Жумладан, ушбу тоифадаги абитуриентларга ҳарбий қисмдан берилган тавсия-йўлланма асосида умумий тўпланган балларига қўшимча равишда максимал баллнинг 20 фоизи қўшиб ҳисобланади. Шу ерда яна бир муҳим нарсага эътиборни қаратиб ўтмоқчи эдим. Жорий ўқув йилидан бошлаб биринчи бор мuddатли ҳарбий хизмати ўтаган абитуриентлар учун тавсияномаси бор ёки йўқлигидан қатъи назар Олий ва ўрта махсус таъ-

лими вазирилик ва Давлат тест марказининг қўшма қарорига асосан 28 июлга қадар юқори малакали мутахассислар — профессор-ўқитувчилар томонидан ўқиш жараёни ташкил этилган махсус бепул тайёрлов курслари очилган. Ҳар бир абитуриент учун 36 соатлик тайёрлов курсини ўқиш имконияти мавжуд ва шу вақт давомида уларнинг ҳар бири бир неча марта даставвал тест синовларидан ўтиши боис билим даражасини самарали равишда оширишга ҳақлидир. Бундан ташқари ҳар бир тингловчига тест материаллари тақдим этилган. Муҳтожлар эса ётоқхона билан таъминланган. Яна бир бор эслатиб ўтаман, бундай шартлар фақат мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентлар учун яратилган.

Асосий саволга қайтиб, шунини қўшимча қилиш мумкинки, тест синовлари ва ижодий танловсиз давлат гранти асосида институтга тегишли мутахассислик бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, шунингдек республика ва халқаро даражадаги спорт мусобақалари ғолиблари қабул қилиниш

ҳақиқий тестлардан фарқланмайди ва юқорида айтиб ўтилганидек ўзининг ижобий натижаларини беради. Ишонч билан шунини айтиш мумкинки, бундай тарзда ҳар бир ўқувчининг салоҳиятини аниқлаш имконияти бор. Бундан ташқари, махсус компьютер синфларида ўтказиладиган масофали тест синовлари усули ҳам самарали бўлмоқда. Бундай жараёнда ўқувчиларнинг билим даражасини бирдангига аниқлаш мумкин.

— Кейинги йилларда олий таълим тизимида қўллаб ижобий ўзгаришлар юзга келди, халқаро андозалар асосида ўқитиш услублари амалиётга жорий этилди. Бу борада мамлакатимиздаги ўқув юртларига хорижий давлатлар фуқаролари ҳам кириши мумкинми? деган савол тутилди.

— Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 майдаги қарорига асосан ҳукуматлараро битимлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда тегишли давлатлар фуқаролари республикамизда мавжуд бўлган барча олий ўқув юртларида бегараз тарзда ёки тўлов асосида, шунингдек давлат қабул комиссияси розилигига биноан қайси ўқув юртига кириши ва қандай балл тўплашидан қатъи назар шартнома асосида ҳам ўқиш ҳуқуқига эга.

— Юқорида педагогик йўналишдаги мутахассислар тайёрловчи олий ўқув юртларига киришда кўзда тутилган устуворликларга тўхталиб ўтингиз. Сир эмаски, умумтаълим мактабларида ҳануз малакали кадрлар бўйича танқислик мавжуд. Яқинда қабул қилинган давлат умумий таълим мактаб таълимини ривожлантириш дастури ҳам ушбу долзарб масалага қаратилган бўлиб, унда педагог кадрларни тайёрлаш даражасини янада оширишга асосий эътибор берилган.

Ушбу йўналишда олий таълим тизимида қандай янгиликлар қўтилмоқда?

— Дарҳақиқат, бугунги кунда мактабларимизда педагог кадрлар, айниқса юқори малакали ўқитувчилар етишмаслиги сир эмас. Шу нуктаи назардан юқорида айтиб ўтилган ҳукумат қарорига асосан тегишли ташкилотларга Касаба уюшмалари федерацияси билан биргаликда 2004 йилдан бошлаб педагогика ва касбий таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида тахсил олган олий таълим муассасалари битирувчиларини уларни қамада уч йил ишлаб бериш шарти билан таълим муассасаларига ва биринчи навбатда умумтаълим мактабларига ишга тақсимланганини жорий қилиш юқлатилган. Шубҳасиз, бундай тартиб бугунги кун талабига жавобан вақтида қабул қилинган ва яқин келажакда мактаб таълим сифатини оширишда ўз ижодий натижаларини беради.

— Қабул комиссиялари фаолиятида юзга келиши мумкин бўлган муаммолар ва камчиликларнинг олдини олиш борасида қандай ишлар олиб бориламоқда?

— Ушбу йўналишда ҳар йилгидек Давлат тест марказида ҳар бир қабул комиссияси фаолияти устидан доимий мониторинг олиб бориш, шу жумладан уларнинг изчил ва барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида махсус мобил гуруҳ ташкил этилган. Олий ўқув юртларига ҳужжатлар қабули 20 июлгача белгиланган бўлса, шу кунга қадар, буни таъкидлаб айтишим мумкин, жойларда бирон-бир жиддий муаммолар ёки вазиятлар юзга келгани йўқ.

Хулоса ўрнида қўйида абитуриент ёшларимизга шу кунларда ҳам ақсолиши, яъни бўлажақ касбини танлашдан аввал яна бир бор мушоҳада юритиб, кейин ҳужжатини истаган мутахассислиги бўйича топширишда ўзига яраша бир туртки бўлиши мумкин бўлган ўтган ўқув йили натижаларидан айрим рақамларни келтириб ўтишни жоиз деб билдик. Чунончи, 2003-2004 ўқув йилида республика бўйича бир жойга танлов 4,3 бирликни ташкил этди. Энг катта кўрсаткичлар гуманитар йўналиши бўйича — ҳуқуқшунослик, тарих, фалсафа мутахассислиги, иқтисодиёт йўналиши бўйича — иқтисодиёт, молия, маркетинг, педагогика йўналиши бўйича — педагогика, бошланғич таълим, биология, ўзбек тили ва адабиёт мутахассисликларига қайд этилган. Жорий йилда тест синовларидан 217 минг ўғил-қизларимиз ўтиши кўзда тутилган, яъни танлов даражаси ўрта ҳисобда ўтган йил билан тенгдир. Шунини ҳам аҳамиятли деб биламизки, тест саволлари мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўтилган материаллар асосида танланган. Дарвоқе, Давлат тест маркази томонидан бу йили биринчи марта тест қўлланмаларининг янги лойиҳаси — ҳар бир фан бўйича алоҳида қўлланма амалга қиритилиб, мактаб кутубхоналари орқали тарқатилди.

Фурсатдан фойдаланиб, абитуриентлар эътиборига яна бир муҳим хабарни эълон қилмоқчимиз. Тест синовларининг ҳар томонлама сифатли ўтказилишини таъминлаш мақсадида дастлаб — 30 июль кунини ҳар бир олий ўқув юртида репетицион тест синовлари режалаштирилмоқда.

Суҳбатни Илмира ЗАЙНУТДИНОВА олиб борди.

Долзарб мавзу

ҚАБУЛ ЖАРАЁНИ: ЯНГИЛИК ВА ЎЗГАРИШЛАР

Анъанага кўра, 1 августда барча олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтади. Айни пайтда эса то 20 августга қадар тўлиқ равишда — эртадан кечгача, шу жумладан шанба ва якшанба кунлари қабул комиссиялари ўз ишини изчиллик билан олиб бормоқда. Бу ерга ҳар кун ҳужжатларни топшириш ҳамда олий ўқув юртларига кириш хусусида батафсил маълумот олиш ниятида юзлаб ёшлар ошмоқда. Шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва ўрта махсус, касб-хунар бошқармасининг дастлабки маълумотларига қараганда, бу йилги мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг деярли 80 фоиздан зиёди олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши кўзда тутилмоқда.

ҳуқуқига эга. Имтиёзли равишда Халқ таълими ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан анъанавий ўтказилиб келинадиган «Энг яхши тарбиячи» ва «Энг яхши ҳамшира» танловлари ғолиблари ҳам тегишли ўқув юртларига аниқ йўналишлар бўйича қабул қилинади.

— Жорий йилда янги ўқув юртлари очилиши режалаштирилганми? Қабул жараёнида яна қандай ўзгаришлар ва қўшимчалар бор?

— Шунини айтишим мумкинки, замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда айрим олий ўқув юртларида бир нечта янги йўналишлар очилган. Чунончи, Тошкент Давлат молия институтига инвестицияларни молиялаштириш, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетига — таржима назарияси ва амалиёти факультетлари жорий этилди. Самарқанд кооператив институтининг мақоми ўзгаририлиб, эндиликда у Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтига деб аталади ва бу йил менежмент ва маркетинг, сервис, туроператор хизматини ташкил этиш факультетлари биринчи марта талабаларни қабул қилади.

Янгиликларга келсак, бу йили ижодий танлов кўзда тутилган олий ўқув юртларига кириш жараёнида ижодий имтихон учун баҳолар максимал балларнинг 33,3 фоиз ҳисобидан белгиланади. Ҳужжатлар топшириш шартларига ҳам бир қанча қўшимчалар киритилган. Жумладан, абитуриент барча тўпланган ҳужжатларга шунингдек, ўз паспортининг нусхасини ҳамда қабул қилиш тўғрисидаги аризада олий таълимга (агарда бўлса) эга эканлигини кўрсатиб ўтиши шарт.

Қўпчилиқта яна шу қизиқиш уйғотиш мумкинки, давлат комиссияси томонидан Давлат тест марказининг тестларда фанлар бўйича блокларни кенгайтириш таклифи маъқулланди ва келгусида амалиётга киритилади. Бундан қўлланмаётган мақсад ягона — шу йил билан олий ўқув юртига қираётганларнинг билимини янада чуқурроқ аниқлашга имконият туғилади.

— Тест синовлари шартларига риоя этиш мурраккаб жараён ҳисобланади. Давлат тест маркази фаолиятида мактаб ва ўрта махсус ўқув юртларининг бўлажақ битирувчиларининг олий ўқув юртларига кириши олдиндан дастлабки тайёргарлик ишлари олиб бориладими?

— Албатта, бу йилги таҳлилий тестларда (тайёргарлик жараёни шундай деб аталади) 51 мингдан зиёд мактаб, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчилари иштирок этди. Анъанавий тарзда ўтказилиб келинадиган бундай тестларнинг асосий мақсади авваломбор бўлажақ абитуриентларни ҳар томонлама тайёрлаш, шу жумладан тест синовларидан ўтиш жараёнидаги барча қоидалардан воқиф қилиш ҳамда ўғил-қизларнинг фанлар бўйича билим даражаларини аниқлаб, уларга бўлажақ касбларни танлашда амалий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган. Хусусан, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицейда ўтказилган тайёргарлик тестлари натижалари шунини кўрсатдики, ўқувчилар дастлабки балларига қараганда тест синовларининг якунига қадар 180-190 баллгача тўплаган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бундай тарзда ўтказиладиган тест синовлари олий ўқув юртига кириш пайтидаги

Иқтисодиёт

ТАДБИРКОРГА
ХОС ХИСЛАТ

Рақобатбардош махсулотлар билан ички бозорни тўлдирish баробарида хайрия ва саховат ишларига ҳам эътибор қаратиш, албатта тадбиркорга хос хислат.

Россия ҳамда Хиндистон мамлакатлари тадбиркорлари билан иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйган «Насрулло хожи» хусусий фирмаси ишбилармонлари ҳам ўтган йилда 8,5 миллион сўмликдан зиёд хайрия ва хомийлик ишларини амалга оширган бўлса, «Меҳр ва муруват йили»да янада эзгу мақсадлар йўлида тер тўкишмоқда.

Корхонада трикотаж ва тикувчилик махсулотлари ишлаб чиқариш асосий мақсад қилиб қўйилган бўлиб, ички бозорни турли-туман сифатли товарлар билан тўлдирishга ҳаракат қилинмоқда. Эркалар ва аёллар кийим-кечаклари, пойабзал тагчарилари ва калашлар ана шундай махсулотлар сирасига кириб, буларнинг барчаси замонавий технологиялар асосида тайёрланмоқда.

— Йил сайин ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш баробарида махсулот турларини кўпайтириш, турли хизматларни ташкил этишга ҳам эътибор қаратаёلمиз, — дейди корхона раҳбари Умарбек Тожиев. — Кемпинг ва автомобильларга техник хизмат кўрсатиш сингари фаолият турларини ташкил этишимиз натижасида қўшимча ишчи ўринлари яратишга муваффақ бўлдик. Ўтган йилда 648,5 миллион сўмлик даромад қилиб, йилни 54 миллион сўмликдан зиёд соф фойда билан якунладик. Ишчи-хизматчиларимиз сафи 70 нафардан ошди. Энг асосийси сифатли махсулот ишлаб чиқариш ва намунали хизматни ташкил этишга ҳаракат қиламиз. Муваффақиятларимизнинг боиси ҳам ана шунда.

Хозирда корхона тадбиркорлари чет эл инвестициясини жалб этиб, янги қадқолаш ускуналари келтириш ва махсулотни хорижга экспорт қилиш учун ҳаракатни бошлаб юборишди.

ЯНГИ ДОРИ
ТУРЛАРИ

Инсон саломатлигини таъминлаш, касалликларни даволаш мақсадида ишлаб чиқарилаётган дори-дармонлар тури кўпайиб бормоқда.

Бу борада юртимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг ҳам ўзи ўрни бор. «ASTRA FARM Co» масъулияти чекланган жамиятида ҳам хозирги пайтда 40 турдаги дори-дармонлар ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, спиртли аралашмалар, маз ва линиментлар, сувоқлик ва ёғли аралашмалар, ўтлар турли касалликларга даволиги билан ажралиб туради.

Корхонада ишлаб чиқаришни янги йўлга қўйишда ва дори-дармонлар турларини кўпайтиришда замонавий ускуналарнинг аҳамияти каттадир. Ана шундай технологик линияларни эса тадбиркорлар 2001 йилда ташкил иқтисодий фаолият Миллий банкидан олинган 126 минг АҚШ доллари миқдоридagi кредит эвазига Хиндистондан келтиришди. Хозирда ана шу технологик линия ёрдамида суртма дори турлари тайёрлашмоқда. Ўтган йилда жамият томонидан 525 минг сўмликка яқин махсулот ишлаб чиқарилиб, олинган соф фойда 126 миллион сўмликдан зиёдни ташкил этди. Энг муҳими эса улар аҳоли сihat-саломатлигини таъминлашда муҳим хисса қўшмоқда.

Шоҳсанам НАБИЕВА

Аёлга эҳтиром

Аёлни улуғламоқ — оилани, Ватани, ҳаётни улуғламоқ демакдир. Президентимиз Ислам Каримовнинг ана шу пурмаъно сўзлари истиклолнинг дастлабки кунлариданок мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўрни ва макенини мустаҳкамлаш борасидаги давлат аҳамиятига молик барча ишларимизнинг ўзига хос мезонига айланди.

Мустақиллик йилларида, собиқ мустабид тузум замонидagидан жиддий фарқ қиларок, хотин-қизларнинг тенглиги, эркинлигини қоғозда, қуруқ сўзда — ҳавойи мафкурада эмас, том маънода амалий ҳаётимизда рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, аёлларни иззат-иқром қилиш, улуғлаш, ардоқлаш, оғирини енгил қилиш ота-боболаримиздан қолган муқаддас удумимиздир.

XXI аср бўсағасида туриб ҳам, айрим мамлакатларда хотин-қизларнинг ўқиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан эркин фойдаланишини кескин таққилларга дучор этидиган сиёсат юритилаётган бир пайтда, ҳурриятга эришган Ўзбекистонда аёлга эҳтиром кўрсатишдек юксак маънавий ва маърифий ишлар амалга оширила бошланган эди.

Жамият ва аёл масаласи — миллат ва мамлакат манфаатлари нуктаи назаридан келиб чиқиб — энг маънавий ва умумбашарий қадриятлар негизида ҳал этилиши учун юртимизда тегишли шарт-шароит яратилгани эътирофга сазовордир. Хотин-қизларнинг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги макеи ва ролини кучайтириш ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазаси ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий негиз шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси аёл ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир бир қанча халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қўшилган.

Президентимизнинг бу борадаги фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, авваламбор, хотин-қизларимиз ўз қадр-қимматини янада чуқурроқ ҳис этиши, ўзининг бей маънавий дунёсини, меҳрибонлик қудратини намоён қилиши, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, қўндалик турмушимизда ўзига муносиб ўринни дадил эгаллашига ҳар томонлама қўмаклашишга қаратилаетир.

Агар юртимиз аҳолисининг қарийб 52 фоизини хотин-қизлар ташкил этишини ҳисобга олсак, юқоридagi ҳужжатлар ижросидан меҳру муҳаббат, нафосат тимсоли — оналаримиз, опа-сингилларимиз, оқила қизларимизга етаётган манфаатлар қўлами нечоғли кенг экани янада ойдинлашади.

Аёл ва жамият

Хозирги даврда мамлакатимиз мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, амалга ошираётган ҳаётбахш илохотларимиз самарадорлигини таъминлаш, миллий аънава ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш ишларида аёлларимизнинг улуши тобора ортиб бормоқда.

Бугун хотин-қизлар сановат, қишлоқ ҳўжалиги, илм-фан, соғлиқни сақлаш тизими, халқ таълими, маданият ва санъат, спорт, тадбиркорлик, бордингки, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида эркин ва самарали меҳнат қилаётир.

Миллат келажаги — оналар қўлида, дейдилар. Юртимизда 4 миллиондан кўпроқ оила бўлиб, уларда вояга етаётган буюк келажагимиз — жисмоний соғлом, маънавий бей ҳамда ахлоқан пок ёш авлодни тарбиялашдек шарафли бурч ва масъулият ҳам аёлларимиз зиммасида.

Мамлакатимизда қирқдан зиёд жамоат ташкилоти бевосита ёки бевосита хотин-қизлар муаммолари билан шуғулланмоқда. Республика Хотин-қизлар қўмитаси ана шу ташкилотлар орасида алоҳида нуфузга эга. Истиклол билан тенгдош ушбу нодавлат нотижорат ташкилотнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар ва туманларда бўлиналари ишлаб турибди. Аёлларимиз турмуши ва фаолияти билан боғлиқ муҳим жиҳатлари ҳисобга олиниб, давлат томонидан ушбу жамоат ташкилотига муайян имтиёз ва ваколатлар берилган.

Президентимизнинг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифалар муҳофазасига бағишланб 21 июнда Оқсаройда ўтказилган мажлисда хотин-қизлар фаолиятига алоқадор давлат тузилмалари билан бир қаторда, ана шу жамоат ташкилоти ишида ҳам жиддий камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигига эътибор қаратилди.

Танқид ва талқин

Кейинги пайтларда Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлиналари асосан бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган ва ўз фаолиятида маъмурий усуллاردан фойдаланадиган давлат тузилмалари сифатида қараш деярли одат тусига кириб қолган эди.

Мамлакатимиз раҳбари барчанинг эътиборини ушбу масалага қаратмагунча, бундай ҳолат биз амалда татбиқ этаётган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган ҳаётий дастуримизга унчалик мос келмаслигини ҳеч ким ўйлаб ҳам қўрмабди. Ҳақоланки, юртимизда барпо этилаётган фуқаролик жамияти давлатнинг

сиз битмайдиган бундай аёлларга зарур ёрдам кўрсатиш керак. Уларни жойларда ҳокимликлар, маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари, диний ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиладиган тадбирларни амалга оширишга жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Уларни маҳалла бошқаруви таркибига киритиш хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлашни сезиларли даражада яхшилашга қўмаклашиши тайин.

Яна бир масала. Истиклол йиллари аёллар ва қизларимизга мўлжалланган даврий нашрларга кенг йўл очилди. Давр Хотин-қизлар қўмиталари фаоллиридан оммавий ахборот воситалари, айниқса, хотин-қизлар матбуот органлари билан ҳамкорликни кучайтиришни, даврий нашрларда хотин-қизларимизнинг бугунги ҳаёти, ютуқлари, муаммо ва ташвишлари кенг ва ҳолис ёритилишига жиддий эътибор қаратишни талаб қилмоқда.

Энг муҳими ва энг асосийси — Хотин-қизлар қўмиталари бозор иқтисодиётига туфайли янги иш ўринлари ташкил этиш борасида юзага келаётган замонавий имкониятлардан самарали фойдаланиши шарт. Улар хотин-қизлар ишлаши учун зарур шарт-шароит яратишга, уларни иш билан таъминлашга қўмаклашиши даркор.

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси сафаримиз чоғида биз бу ерда худди шу йўналишда амалга оширилаётган қатор ибратли ишларга гувоҳ бўлдик. Оғир экологик вазият юзага келган ушбу ҳудудда ҳозирги кунда 1 миллион 540 мингдан зиёд киши истикомат қилади. Уларнинг қарийб 771 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

Шундан 141 минг 640 нафардан кўпроги ишчилардир. 4ч мингдан зиёд аёл фермер ва ширкат ҳўжалиқларида бошчилик қилади. Халқ таълими соҳасида 51 минг 490, маданият, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларида 25 минг 780 нафардан ортиқ хотин-қиз фаолият кўрсатмоқда. Санъат соҳасида қарийб 6 минг 840 нафар аёл машғул.

Бу ерда расмий рўйхатга олинган ишсиз хотин-қизлар сони, 2003 йил якунига кўра, 6 минг 103 нафардан иборат. Аммо ушбу кўрсаткич изчил қамаймоқда. Бунда, албатта, республика ҳудудида янги иш жойлари яратилаётгани, хусусан, миллий ва чет эл сармоялари ҳисобига турли корхоналар барпо этилаётганининг аҳамияти катта.

Биргина «Элтекс» акциядорлик жамиятидаги қарийб 2,5 минг ишчи-ҳодимнинг деярли 70 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. «Элликкалла олтин толаси», «Бўстонинозаводи» акциядорлик жамиятларида ҳам меҳнат жамоасининг катта қисми — қарийб 80 фоизи хотин-қизлардан иборат.

Қўм барханлари ўртасида бунёд этилган яна бир мўъжиза — «Юнивер» Ўзбекистон-Австрия-Бангладеш қўшма корхонасида пахта толасидан хорижий фирмалар буюртмалари бўйича хилма-хил замонавий махсулотлар тайёрлаш билан машғул минглаб қизларимизнинг қўли-қўлига тегмайдир. Бу ерда ишлаш ва дам олиш учун тегишли шарт-шароит мўҳайе.

Қорақалпоғистоннинг турли соҳаларда меҳнат қилаётган тадбиркор, фаол, чевар ва жонқуяр хотин-қизлари билан суҳбатлашар эканмиз, Президентимизнинг: «Аёл киши ўзи ишлаб даромад топса, у мустақил бўлади ва ўзини ўзи ҳимоя эта олади. Ҳар қандай иш — аёлнинг мустақиллиги, фаол турмуш тарзининг биринчи шартидир», — деган сўзларини бот-бот ҳаёдан ўтказдик.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга мос ҳолда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг оила, жамият ва давлат қурилишига оид вазифаларни хал этишдаги ўрни ва нуфузини тамомилан янги босқичга кўтариш борасида навбатдаги дадил одим қўйилди. Бу одим — барча илгор демократик давлатлардаги каби юртимизда аёллар давлат ва жамият қадриятининг таъналаридан бири сифатида тан олинаётганининг яна бир далилидир.

Фулом МИРЗО,
ЎЗА шарҳловчиси

вазифаларини босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказиб боришни кўзда тулади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, Хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллари эса ўзларини аёллар жамоатчилиги вакили эмас, балки хотин-қизларни бошқариш учун қўйилган давлат ҳодимлари, давлат бошқарувчилари ва назоратчилари деб ҳис қилар, ўз иши ва фаолиятининг мақсадини худди шундай деб тушунади.

Ушбу жамоат ташкилотининг юқоридан буйруқ қўтишга ўрганиб қолган баъзи бир раҳбарлари, хонанишин етакчилари билан ҳаётнинг залворли ташвишларини нозик елкасида кўтарган оддий аёлларимиз ўртасида муайян даражада ўзилиш пайдо бўлди.

Ақсарият аёл раҳбарлар ўз фаолиятида хотин-қизлар жамоалари, қишлоқлардаги эътибор талаб аёллар, қизлар муаммо ва ташвишларидан узоқлиқда кетди.

Оқибатда аёлларимиз, қизларимиз муаммолари ақсар ҳолларда ечилмай қолаверди. Энг ёмони, хотин-қизлар фаоллари кириб бороволган қатламларда бўшлиқ юзага келди. Бундай бўшлиқлар ҳар хил қушлар, ёт мафқуралар учун қўлай муҳит, демакдир. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган хотин-қизлар бузғунчи қушларнинг таъсирига тушиб қолаётгани ҳам шунинг асоратидир.

Аслида фуқаролик жамиятининг узвий бир қисмига айланиши зарур ушбу жамоат ташкилотига амалдорлар, бюрократлар эмас, Президентимиз айтмоқчи, ўзини аёлларнинг ишончли вакиллари сифатида ҳис қиладиган, хотин-қизлар жамоатчилиги олдида ҳисоб берадиган фаоллар иш олиб бориши лозим.

Ана шу боис Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини қайтадан қўриб чиқиш ҳамда замон талабига мослаштириш масаласи долзарб вазифа сифатида юзага қалқиб чиқди.

Имкониятлардан
тўла фойдаланаяп-
мизми?

Оқсаройдаги мажлисда айтилганидек, ҳар бир шаҳар, қишлоқ, овул, маҳалла ё кўнанинг тўй-маърака, урф-одат, расм-русумларини ўтказишда бош-қош бўладиган ишбоши аёллари — отинойи, дастурхончи ва кайновилари бўлади, одатда. Хозирча уларнинг фаолияти хотин-қизлар қўмиталари фаолларининг эътиборидан четда қолмоқда.

Юртбошимизнинг фикрича, маҳалла-қўйнинг кўпгина юмушлари ўз иштироки-

Муҳожаза

МАҲАЛЛАЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Шаҳримиздаги барча туманлар меҳнат бўлимлари аҳолига таянч бўлиш мақсадларини кўзлаб, иш юритмоқдалар. Бугунги суҳбатдошимиз Миробод туман меҳнат бўлими раҳбари Нилуфар МУҲИДДИНОВА ярим йиллик иш якунлари ҳамда истиқболдаги режалар хусусида қуйдагиларни гапириб берди.

— Туманимизда 39 та маҳалла мавжуд бўлиб, унда 123 минг аҳоли истиқомат қилади. Бизнинг асосий вазифамиз туманимизда иш билан банд бўлмаган аҳолини рўйхатга олиш, уларни ўзлари хоҳлаган мутахассислар бўйича ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш ва қайта ўқитиш. Жумладан, маҳаллаларда 2 ёшгача ва 18 ёшгача нафақа олувчиларга ҳамда аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож меҳнат бозорида тенгма-тенг рақобатга кириши олимайдиган қисми, яъни ёшлар, кўп болали ва ногирон фарзанди бўлган оналар, ногиронлар, мактаб, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртиларининг битирувчилари, жазони ўташ жойларидан бўшаб келган фуқароларга ёрдам кўрсатиш ҳам меҳнат бўлимининг ҳодимлари амалга оширадиган ишлар сирасига киради.

Жорий йил бошидан бўлимининг ҳодимлари томонидан маҳаллалардаги 2038 нафар фуқаролар иш билан банд бўлмаганлиги қайд қилинди, шулардан 644 нафари бизга мурожаат қилган. Улардан 532 нафар фуқаро иш билан таъминланди, 156 нафар фуқароларга ишсизлик мақоми берилди. Ҳозирги кунга келиб улардан 142 нафарига ишсизлик нафақаси берилди, 85 нафари турли касбларга ўқитиш ва қайта ўқитиш учун ўқув марказига йўланма билан юборилди ҳамда 43 нафар фуқаролар ҳақ тўланадиган жомат ишларига жалб қилинди.

Бундан ташқари, амнистия бўйича жазони ўташ жойларидан бўшаб қайтганлар йил бошидан буён туманимизда 108 нафарни ташкил этди. Уларнинг ишга лаёқатлиларидан 46 нафари ишга жойлаштирилди. Жумладан, шундай фуқаролар билан маҳаллаларда қатъий жадвал асосида учрашувлар ўтказилди, уларнинг ижтимоий, иқтисодий муаммолари имкон қадар ҳал қилинмоқда.

Жорий йил бошидан буён меҳнат бўлими ташаббуси билан туманимиздаги кўплаб йирик sanoat, транспорт, қурилиш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ташкилотларининг мутахассислари иштирокида 6 та меҳнат ярмаркалари уюшқоқлик билан ўтказилди. Улардан биттаси катта, яъни битирувчи ёшлар учун мўлжалланган бўлиб, унга туманимиздаги барча битирувчилар таклиф этилди, қолган бештаси ҳудудий меҳнат ярмаркаларидир.

Айни шу ўринда меҳнат бўлимининг нозирларининг машаққатли, аммо шарафли ишлари ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. Мавжуд 39 та ўзини-ўзи бошқариш органларида 6 нафар ўз ишининг заҳматкашлари, малакали меҳнат нозирларимиз фаолият кўрсатишади. Улардан — Наталья Добра ишга жойлаштириш шўъбаси мудир, тажрибали нозирлардан Мамлакат Бўрихўжаева, Мастура Раупова, шунингдек, янги ходим — тиршқоқ, изланувчан, ғайратли нозир Хусниддин Бол-



пайтига солиштирганда 29 фоизга кўпайди. Масалан, «Дадил қадам» хусусий фирмаси, «Дур» масъулияти чекланган жамияти, «Инфо махсус химоя» кичик корхонаси, «Сардор пласт» масъулияти чекланган жамияти каби корхоналарда иш билан банд бўлмаган фуқароларга янги иш жойлари яратилганлигини мисол келтириш мумкин.

Машаққатсиз ҳеч бир натижага эришиб бўлмаслигини яхши англаган аҳил жамоамиз аъзолари ўз фаолликлари, меҳнатсеварликлари туфайли ҳам режада белгиланган ишларини ўз муддатларида амалга оширишга эришмоқдалар. Истиқболдаги юмушларимиз ҳам анчагина. Йил охиригача иш билан банд бўлмаган аҳоли учун 6 та «Бўш иш ўринлари» ҳамда вакант лавозимлар меҳнат ярмаркаларини ўтказишни режага киритганимиз.

Меҳнатурувуват йили муносабати билан туманимиздаги маҳаллалар аҳолиси билан бир қатор таовлар меҳнатларини таъкидлаш ўринли. Эътиборли томони, «Са-риқўл», «Янги Миробод», «Файзобод», Авлоний каби кўплаб маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллари таянчи, мадад ҳамда ҳамкорликлари туфайлигина кенг миқёсда ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, уларнинг ёрдамларисиз маҳаллалар нозирлари энг муҳим юмушлари — мониторинг тўлақонли ўтказишларига умид боғлай оламасдик.

Кувонарлиси, меҳнат бўлимининг томонидан 6 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаролар ўз хоҳиш-истакларига кўра тадбиркорликка ўқитилди ва 4 нафари ҳозирги кунда хусусий бизнес билан шуғулланмоқда. Уларнинг сай-ҳаракатлари туфайли туманда янги иш жойлари яратилмоқда.

Туманимизда жорий йил бошидан буён турли йўналишларда фаолият юритаётган 200 та кичик корхоналар очилди, уларда эса 2399 та янги иш ўринлари яратилди. Бу эса ўтган 2003 йилнинг шу

пайтига солиштирганда 29 фоизга кўпайди. Масалан, «Дадил қадам» хусусий фирмаси, «Дур» масъулияти чекланган жамияти, «Инфо махсус химоя» кичик корхонаси, «Сардор пласт» масъулияти чекланган жамияти каби корхоналарда иш билан банд бўлмаган фуқароларга янги иш жойлари яратилганлигини мисол келтириш мумкин.

Машаққатсиз ҳеч бир натижага эришиб бўлмаслигини яхши англаган аҳил жамоамиз аъзолари ўз фаолликлари, меҳнатсеварликлари туфайли ҳам режада белгиланган ишларини ўз муддатларида амалга оширишга эришмоқдалар. Истиқболдаги юмушларимиз ҳам анчагина. Йил охиригача иш билан банд бўлмаган аҳоли учун 6 та «Бўш иш ўринлари» ҳамда вакант лавозимлар меҳнат ярмаркаларини ўтказишни режага киритганимиз.

Меҳнатурувуват йили муносабати билан туманимиздаги маҳаллалар аҳолиси билан бир қатор таовлар меҳнатларини таъкидлаш ўринли. Эътиборли томони, «Са-риқўл», «Янги Миробод», «Файзобод», Авлоний каби кўплаб маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллари таянчи, мадад ҳамда ҳамкорликлари туфайлигина кенг миқёсда ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, уларнинг ёрдамларисиз маҳаллалар нозирлари энг муҳим юмушлари — мониторинг тўлақонли ўтказишларига умид боғлай оламасдик.

Кувонарлиси, меҳнат бўлимининг томонидан 6 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаролар ўз хоҳиш-истакларига кўра тадбиркорликка ўқитилди ва 4 нафари ҳозирги кунда хусусий бизнес билан шуғулланмоқда. Уларнинг сай-ҳаракатлари туфайли туманда янги иш жойлари яратилмоқда.

Туманимизда жорий йил бошидан буён турли йўналишларда фаолият юритаётган 200 та кичик корхоналар очилди, уларда эса 2399 та янги иш ўринлари яратилди. Бу эса ўтган 2003 йилнинг шу

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан келажагимиз ворисларининг билимли, бирон касб-хунарни эгаллаб, меҳнат бозорида бемалол, эркин рақобатга кириши оладиган мутахассислар сифатида етишиб чиқишлари учун етарли шароитлар яратилиб, қатор амалий ишлар қилинмоқда. Шу кунларда барча касб-хунар коллежларида ўқинилар тугаб, консултият марказларида ишлар қизғин кечаётган палла ҳисобланади.

Таълим масканларида

МАЛАКАЛИ МАСЛАҲАТЛАР ОЛИШМОҚДА

Республика Электр-техника тиббиёт коллежида ҳам кунни кеча 800 га яқин ёшларга туртта йўналишларга кўра маълум мутахассисликлар бўйича дипломлар таптанали тарзда топширилди. Узоқ йиллар мобайнида техникум сифатида фаолият юритган билим юртига жорий йилнинг январь ойида коллеж мақоми берилди. Бу ерда 9-синф маълумоти билан ўқишга кирганларга туртта йўналиш: ортопедик стоматология (тиш техник); даволаш иши (фелдшер); ҳамширалик иши (умумий тиббиёт ҳамши-

раси) ҳамда электр тиббиёт техникасини ўрнатиш, созлаш, унга хизмат кўрсатиш (техник электрончи) бўйича таълим берилиб, малакали мутахассислар тайёрланади. 11-синфни битириб, шартнома асосида ўқишга кирган ўқувчилар яна бир — бешинчи йўналиш: стоматология иши (стоматолог ассистенти, дангист) мутахассислигини эгаллашмоқда.

— Консултият марказ раиси коллеж-миз директори, тиббиёт фаилари номзоди Искандар Муқимжонов бошчилигида, — дей-

ди коллежнинг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Фахриддин Сирожилов, — марказдаги ишларни июнь ойида қатъий режа асосида бошлаганимиз. Аниқроқ айтганда буни анча илгари — баҳор ойларидан ўқитувчиларимиз шаҳримиздаги мактабларга бориб, коллеж-миздаги таълим-тарбия, ўқувчиларга яратилган шароитлар ҳақида маълумотлар беришди, ўқувчиларни касбга йўналтиришди.

Шунингдек, вилоятлардан келиб коллежда тахсил олаётган ўқувчилар ҳам ўзларининг муқим истиқомат қилувчи манзилларидаги мактабларда бўлиб, коллеж ҳақида тўлиқ ахборотларни етказдилар.

Ўтган ой — 21 июндан коллежда ўқишни ният қилиб келган ёшларнинг омадларини синая кўришлари учун ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Шу билан консултият марказида битирувчиларга керакли барча маълумотлар берилади: шу ернинг ўзида ёшлар ўзларини қизиқтирган мутахассисликлар бўйича малакали маслаҳатлар ҳамда ёрдам олишлари мумкин.

Комила КАМОЛОВА

ИШГА АМАРҲАМАТ!

Умид чечакларимиз бўлган ёшларнинг — 9-синф битирувчиларининг мустақкам билим олишлари, бирон-бир касб хунарни эгаллашлари учун давлатимиз томонидан етарли шарт-шароитлар яратилган.

СУРАТДА: бу истеъдодли ёшлар наққошлик санъатининг заҳмати нечоғлик оғирлигини, аммо унинг илҳомбахшлигини яхши тушунадилар.



— Инсон умрининг гўзал баҳори ҳисобланган ёшлик, ме- нимча энг бебаҳо ҳамда бахти- ёр палладир. Айни ёшлик ҳаётимизнинг жўшқин, қувноқ, бетаъшиш, шодонликларга лим- мо-лим даврларидан саналади. Бугунги кунда давлатимиз то- монидан ёшларга қаратилаёт- ган катта эътибор ва ғамхўр- ликларнинг бевосита гувоҳи бўлмоқдамиз. Умид чечаклари бўлган йигит-қизларимизнинг чуқур илм олишлари, касб- хунар эгаллашлари учун юрти- мизда барча шароитлар яратил- ган. Кунни кеча Тошкент шаҳар Халқ таълими бш бошқарма- си ҳамда камолотчилар ҳамкор- ликда умумтаълим мактаб ва академик лицей битирувчилари- ни ҳамда камолотчилар ҳамкор- ликда умумтаълим мактаб ва академик лицей битирувчилари- ни «Истиқлол умидлари» фести- валини кўтаринки руҳда ўтказишди.

Жорий йилнинг 27 майдан бошлаб «Бунёдкор» ёшлар теле- клуби қошида «Алоқа марка- зи» ташкил этилиб, янги - «Иш- лаб топ!» лойиҳаси бўйича иш бошланганди. Бугунги кунда ушбу тажрибавий акцияда 100 нафардан ортқ камолотчилар қизгин фаолият юритмоқдалар.

Бугунги кунгача марказимиз- та ишга жойлашмоқчи бўлган 1000 нафардан ортқ ёшлар му- рожаат қилишди, телефонда бог- ланишмоқда. Шаҳримизда фао- лият юритаётган кўплаб ишби- лармон тадбиркорлар барча йи- гит-қизларга ўз корхона, фирма ҳамда овқатланиш тармоқлари- да тажриба орттириш ҳамда маблағ топиш учун имконият- лар яратмоқдалар. Масалан, Ак- мал Икромов туманидаги «Ка- мол топ» хусусий фирмаси 10 нафар қизларга иш ўрни берди. «Ўзбек таксоедини» Ўзбекис- тон-Британия қўшма корхона- си, «Тошкент очпарчи» унитар корхонаси, Тошкент шаҳар Халқ таълими бш бошқарма- си ҳамда камолотчилар ҳамкор- ликда умумтаълим мактаб ва академик лицей битирувчилари- ни ҳамда камолотчилар ҳамкор- ликда умумтаълим мактаб ва академик лицей битирувчилари- ни «Истиқлол умидлари» фести- валини кўтаринки руҳда ўтказишди.

Жорий йилнинг 27 майдан бошлаб «Бунёдкор» ёшлар теле- клуби қошида «Алоқа марка- зи» ташкил этилиб, янги - «Иш- лаб топ!» лойиҳаси бўйича иш бошланганди. Бугунги кунда ушбу тажрибавий акцияда 100 нафардан ортқ камолотчилар қизгин фаолият юритмоқдалар.

Бугунги кунгача марказимиз- та ишга жойлашмоқчи бўлган 1000 нафардан ортқ ёшлар му- рожаат қилишди, телефонда бог- ланишмоқда. Шаҳримизда фао- лият юритаётган кўплаб ишби- лармон тадбиркорлар барча йи-

Ёшлар - келажагимиз

«КАМОЛОТ» КЎМАГИДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмағида мана бир ойдан кўпроқ вақт- дан буён ёз мавсуми давомида ўтказилаётган «Ёшлар «Камолот» билан» лойиҳасини амалга оширмоқда. Мазкур лойиҳа ҳақида «Бунёдкор» ёшлар телеклуби қошида жорий йилда ташкил этилган «Ма- ҳалла умидлари» маркази раиси Анвар МАМЕДОВ қуйдагиларни сўзлаб берди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмағида мана бир ойдан кўпроқ вақт- дан буён ёз мавсуми давомида ўтказилаётган «Ёшлар «Камолот» билан» лойиҳасини амалга оширмоқда. Мазкур лойиҳа ҳақида «Бунёдкор» ёшлар телеклуби қошида жорий йилда ташкил этилган «Ма- ҳалла умидлари» маркази раиси Анвар МАМЕДОВ қуйдагиларни сўзлаб берди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмағида мана бир ойдан кўпроқ вақт- дан буён ёз мавсуми давомида ўтказилаётган «Ёшлар «Камолот» билан» лойиҳасини амалга оширмоқда. Мазкур лойиҳа ҳақида «Бунёдкор» ёшлар телеклуби қошида жорий йилда ташкил этилган «Ма- ҳалла умидлари» маркази раиси Анвар МАМЕДОВ қуйдагиларни сўзлаб берди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмағида мана бир ойдан кўпроқ вақт- дан буён ёз мавсуми давомида ўтказилаётган «Ёшлар «Камолот» билан» лойиҳасини амалга оширмоқда. Мазкур лойиҳа ҳақида «Бунёдкор» ёшлар телеклуби қошида жорий йилда ташкил этилган «Ма- ҳалла умидлари» маркази раиси Анвар МАМЕДОВ қуйдагиларни сўзлаб берди.

зулардаги тадбир, спорт мусо- бақалари ҳамда фойдали-қизи- қарли ўйинлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Эътиборли томони, олий ўқув юрти талабаларининг ижо- дий амалиётини ташкил этиш мақсадида шаҳримиздаги 6 та институт талабалари жорий ойда «Камолот»нинг тадбирлар режа- сига мувофиқ иш юритмоқда- лар. Бундан ташқари, «Ёшлар «Камолот» билан» лойиҳаси тар- кибидаги кирувчи «Ободлашти- риш талаба гуруҳлари», «Ме- нинг шаҳрим - тоза шаҳрим», «Кўча оммавий спорт ўйинла- ри» йўналишларида пойтахти- миздаги жуда кўплаб маҳалла- лар ёшларининг бўш вақтлари- ни унумли ўтказишларини таш- кил этиш мақсадларини ўз ичи- га олади.

Юқорида келтирилган лойи- ҳалар август ойида ҳам давом эт- тирилади ҳамда мувофиқлашти- риш талаба гуруҳлари, «Ме- нинг шаҳрим - тоза шаҳрим», «Кўча оммавий спорт ўйинла- ри» йўналишларида пойтахти- миздаги жуда кўплаб маҳалла- лар ёшларининг бўш вақтлари- ни унумли ўтказишларини таш- кил этиш мақсадларини ўз ичи- га олади.

Пойтахтимиздаги 11 та туман- даги 25 та мактаблар қошида 18 кунлик оромгоҳларда (1 та мав- сум) жами 2500 нафар болалар дам олиши мўлжалланган. Ша- ҳардан ташқаридagi сўлим, соя- салқин оромгоҳларда 3-4 та мав- сум давомида 11 та йўналишда- ги семинар, акция, турли мав-

Муҳожаза

АҚЛ БИЛАН МУШОҲАДА ЮРИТИНГ

Кўндан буён кўришмаган танишим — Зул-хумор опани учратиб қолдим, иккимиз ҳам хурсанд салом-алик қилгач, бола-чақа, иши- миз ҳақида гап борди...

Зулхумор опанинг 3 нафар фарзандлари бўлиб, ҳаммалари ўғил болалар, учовлари олий маълумотли, уй-жойли бўлишибди. Ик- кинчи фарзандлари Фаррухжоннинг корхо- наси тугатилган, тузукроқ иш топиш мақса- дида газеталарда берилаётган эълонлар асосида иш топмоқчи бўлиб, тоза хуноби ошганлиги, уларнинг кўпчилиги (деярли ҳаммаси) ишонсизлиги туфайли ҳам анчай- ин вақти беҳуда ўтганлиги ҳақида қуюнча- лик билан гапириб бердилар.

ТўЛИҚ МАЪЛУМОТЛАРНИ КЕЛГАНИНГИЗДА ОЛАСИЗ!

Биз ҳам бугун айни шу мавзуда сўз юри- томқчимиз. Ҳамшаҳарларимизга маълумки, телевидение, маҳаллий нашрларда берила- ётган ишга тақлифлар билан бирликда шаҳ- римизнинг аҳоли гавжум жойларида: метро станциялари, шоҳ бекатларда, майдон ва хи- ёбонларда сизга «аллақандай агентлик» хо- димлари иш тавсия қилиб, қўлингизга мўмай даромад ва телефон рақамлари ҳамда ман- зил кўрсатилган қоғозчаларни тутқазишади. Ишонсизлиги шундоқкина билиниб тур- ган мазкур эълончада иш бевуғчи томони- дан катта пул эвазига (гоҳида ойига 1000 АҚШ доллари ҳам ваъда қилишади!): «Ўзингиз учун иш», «Фақат бўш вақтларингизда» ёки «Ишончли ҳамкор билан ишлаш» каби гап- лар эзिलाди. Ажабланарлиси, энг муҳим са- налган мутахассислик ёки вакант лавозим- лар, иш фаолияти йўналиши ҳақида-ку лом- мим дейилмайди. Асосан эълонларда барча тўлиқ маълумотларни агентликда — учрашу- да баён қилинади, деб эзилган бўлади.

Сўранг, жавоб берамиз

ХУСУСИЙ ДЎКОНГА РУХСАТ БЕРИЛАДИМИ?

Узоқ йиллар давомида давлат корхоналарида иш- лаб, ёшим етгач меҳнат на- фақасига чиқдим. Ҳозирда мен ўзимга тегишли хона- даида хусусий дўкон очмоқ- чи эдим, бунга рухсат бери- ладими?

Мухтабар Анварова, пенсионер, Шайхонтоҳур тумани.

Яшаш учун яроқли бўлан турар жойни яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказишга йўл қўйилмайди. Алоҳида ҳолларда турар жойни яшаш учун мўлжал- ланмаган жойга ўтказиш мулкдорларнинг ёхуд у ва- колат берган орган (шахс-)нинг аризасига кўра Ўзбе- кистон Республикаси уй- жой кодексининг 15-модла- сига биноан Қорақалпоғи- стон Республикаси Вазир- лар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлик- ларининг қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси то- монидан белгиланган тарти- бда амалга оширилади.

АУДИТОРЛАР ҚАНДАЙ ХИЗМАТЛАРНИ БАЖАРАДИ?

Хўжалик ҳисобидаги таш- килотда ишлайман. Ишхо- намизга қайида аудиторлар келади, деган гап эшитдим. Аудиторлик ташкилотлари қандай хизматларни бажариш ҳуқуқига эга?

Шокир Наримонов, хизматчи, Акмал Икромов тумани.

Ўзбекистон Республика- си «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига биноан ауди- торлик ташкилотлари қуй- идаги хизматларни кўрса- тиши мумкин:

- бухгалтерия ҳисоб-ки- тобини йўлга қўйиш, тик- лаш ва олиб бориш; - молия ҳисоботини ту- зиш; - хўжалик субъектларини молиявий-хўжалик фаоли- ятининг таҳиди;

Айтилган манзилга етиб келдигиз ҳам дейлик. Сизни бу ерда сўзламоқ, руҳий таъ- сир ўткази оладиган ҳодимлар кутиб оли- шади ҳамда «Сизни агентликнингизда кўриш- дан мамнунмиз», «Сиз жуда тўғри иш тан- лагансиз!», «Биз билан бўлсангиз, албатта ютасиз, оз фурсат ўтмай сармоянгиз сези- ларли кўпаяди!» каби хитоблар билан ваъ- далар беришади.

Улар биринчи навбатда иш бошлаш учун «арзимаган» сармоя тўлаш кераклиги ҳақида сизга ўқитишади ва албатта бу пулларин- гиз 5-10 баравар ўзингизга қайтиши ҳақида ишончли тарзда гапирдиладар. Энг қизиқи, кўрсатилган манзилга келганингизда аввал айтилган иш ўринларидан бири бир ой ав- вал банд қилинган, бири бошқа шаҳардаги фаолият билан боғлиқ бўлади, учинчиси эса умуман бўлмаган!..

ЎЙЛАБ ЎТИРМАСДАН ҚАЙТГАНИНГИЗ МАЪҚУЛ

Шундай қилиб, агентлик раҳбари ёки етакчи мутахассис сизга «Озик-овқат қўшимчалари» ҳақида маъруза ўқийди ва уни тугатгач уларнинг нима учун фойдали эканлигини ўқитишга узоқ вақт уринади. Шундан кейин молларнинг кўтара нархлари билан таништирилади. Ўша заҳотиёқ — «қар- моққа илинмай туриб» ўрнингиздан туриб, шартта кетганингиз маъқул.

ЭСЛАТМА: Ҳақиқий иш бевуғчининг эълонлари аниқ бўлади, яъни улар иш ҳақида тўлиқ маълумот беришади, мутахас- сис вазифаси ҳамда мақсадлари аниқ кўрсатилади. Шунингдек, ёшингиз, маълу- мотингиз, тил билишингиз, иш стажингиз ва албатта, маошингиз кўрсатилади. Иш билан банд бўлмаган фуқаро шаҳримизда- ги мавжуд 11 та туманлардаги меҳнат бўлиmlарига мурожаат этиб, рўйхатдан ўтсалар, ўз ҳуқуқ ва имкониятларидан фой- даланган ҳолда ўзлари хоҳлаган, мутахас- сисликларига кўра иш жойларига эга бўлишлари мумкин.

Дилноза АХМЕДНАЗАРОВА

- миллий молия ҳисобо- тининг халқаро стандарт- ларга ўтказилиши; - бухгалтерия ҳисоб-ки- тоби, солиқ тайинлаш, ре- жалаштириш, менежмент ва молиявий хўжалик фао- лиятининг бошқа масала- лари бўйича консалтинг; - солиқ ва бошқа маж- бурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоб ва деклараци- ялар тузиш.

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШМАДИ...

Хусусий фирмага ишга кирмоқчи эдим, ҳомилдор- лигимни вақ қилиб, ишга қабул қилишмади. Улар ҳақми?

Санобар Мирқосимова, Ҳамза тумани.

Ўзбекистон Республика- си Меҳнат Кодексининг 224-моддасига биноан, ҳомилдорлиги ёки боласи бормиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқ- ланади. Ишга қабул қилишда иш бевуғчи рад этиш сабабини аниқ кўрса- тилган ҳолда ёзма равишда ҳомилдор аёлга бериши шарт. Фуқароларни ишга қабул қилишдаги рад жа- вобни суд орқали ҳал этиш мумкин.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганим
Домо бўлур...

● Қаноат қилсанг ҳамма нарсадан озод бўласан. Дунёга мафтун бўлма ва очкўзлик қилмагинки, тириклик мавсуми жуда қисқадир.

● Сендан юз ўтирган кишининг суҳбатига интилиш жоннинг қадрига ерга уришдир, суҳбатининг тилаган кишини қайтариш эса олижанобликка нуксон етказишдир.

Искандарга дедилар:
— Агар Худойи таоло сенга ғалаба беришини хоҳласанг, кечирувчи бўл, чунки у кечирини яхши кўради.

Ундан сўрадилар: «Сўзга усталик нима?»

Айтди: Қисқа сўзлаш, аммо маъносини бузмаслик.

Деди: Аблах қишлоқларда дўстлик, ёлгончиларда садокат бўлмайди.

Байт:

Эй биродар, ҳеч қачон
ёлгон гапирма,

Чунки ёлгончи хор ва
кадрсиз бўлар.

Ёлгончилик кишини
шармисор қилар,

Ёлгончилик одамнинг
обру-эътиборини кеткизар.

Яна деди: Эй фалончи, либосни ўзинга лойиқ кий ёки сўзингга яраша кийим кий!

● Букрот ҳаким деди:

— Агар киши ўз мукаммал эгалламаган илм ҳақида гапирмаса, одамлар орасида тушунмовчилик ва тортишув юз бермайди, жангу жадал олови сўнади.

Яна деди: Кўнглингиз душман деб ҳисоблаган кишидан эҳтиёт бўлинг!

Ҳақиқий маърифатга эришган қомил одам шундай одамки, ундан нафақат дўстлари осойишта, балки душманлари ҳам тинч ҳаёт кечирадилар.

Яна унинг сўзларидан: Дунё йўл бошида ёқиб қўйилган оловга ўхшайди, кимки ундан бир оз олиб, ўз йўлини ёритишга сарф этса, фойда олади, кимки кўпроқ олишга интилса, қуйиб қолиб, ўзига азоб беради.

Байт:

Дунёда умринг бир
кунчалик ҳам эмас,

шундай экан
ўн йиллик ризқини

сақлаб нима қиласан?
Сенга тегишли ризқ у

ердан юборилади.
Сен ўша берилган

ризқингнинггина бу
ердан ололасан.

● Азизим, ҳар қандай семиздан ботирлик ундай қилиб бўлмайди ва ҳар қандай зўр овозли ва йўгон жуссалиқдан қувват тама қилиш ноўриндир. Қўрганмисан, қамиш қанчалик йўгон бўлмасин барибир ингичка чўпдек синади, лайлакнинг қадди қанча катта ва баланд бўлмасин, бургут қўлида оҳиз бўлиб қолади.

● Раҳм ва шафқат инсоннинг энг яхши фазилатларидан биридир. Раҳму шафқатли киши доимо одамларга ёрдам қўлини чўзади, оҳиз ва нотавон кишилардан хабар олиб туради.

● Бир кун илфатлар даврасида Лайли ва Мажнун ҳақида суҳбат бўлибди. Шунда бир йигит: «Лайли унчалик гўзал эмас, нега энди Мажнуннинг дили унга шунчалик ром бўлган экан?» — деб қўлибди. Шунда дўстлари: «Мажнуннинг ром қилган нарса Лайлининг чиройли жамоли эмас, балки чиройли хулқи!» — деб жавоб беришди.

САЙЛОВГА

БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

Тошкентдаги Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида «Янги парламентнинг тузилиши ва вазифалари» мавзусида семинар ўтказилди.

Мазкур институт 2003 йилда ташкил этилган мустақил нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, ўз атрофида фуқаролик жамияти асосларининг ижтимоий-гуманитар ва социал-иқтисодий муаммоларини тадқиқ этувчи йирик олим-таҳлилчиларини жипслаштирган.

Институт фаолиятининг асосий мақсади, фуқаролик жамияти тузилмаларининг шаклланиши ва ривожланишига кўмаклашиш, давлат ва жамиятни бошқаришда аҳолининг роли ва ҳуқуқларини кенгайтириш, ижтимоий ҳаётда демократлаштириш ва эркинлаштириш жараёнини чуқурлаштиришдан иборат. Бундан ташқари, институт мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг очик ва равшанлигини таъминлаш, фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий фаоллигини ошириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Институтнинг Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш, эркинлаштириш лой-

ихаси томонидан ОАВлари ҳодимлари бўлажак сайлов жараёнларини ёритишда малакаларини ошириш мақсадида журналистлар клуби ташкил этилди. Ушбу клуб ўз ишини сайлов кун — 26 декабрга қадар давом эттиради. Шу муддат ичида «Янги парламентнинг сайлов тартиби», «Марказий сайлов комиссиясининг вазифалари», «Номзоднинг фаолиятини ёритиш», «Сайлов олди компаниясини ёритишнинг ҳуқуқий асослари» каби мавзуларда семинарлар ҳамда мавжуд сиёсий партиялар дастурларига тегишли давра суҳбатлари уюштирилади. Тадбирларда ўтган сайловлар таҳрибаси унда ОАВ томонидан йўл қўйилган хатолар ва дунё таҳрибаси таҳлил этилади. Шунингдек, жараёнинг ОАВларида ёритилиши бўйича мониторинг ҳам олиб борилади.

Семинарда институтнинг етакчи мутахассиси, ҳуқуқшунос Хайрулла Рўзиметовнинг «Янги парламентнинг тузилиши ва вазифалари» мавзусидаги маърузаси тинглан-ди.

Муносабат

ТАРИХИМИЗНИ ЎРГАНИШ
ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА
ҲУРМАТДИР

Асрлар, йиллар ўтаверар экан. Ҳар бир ўтган кунимиз тарих саҳифаларидан ўрин эгаллаб боравереди. Вақт — бе-шафқат, деймиз. Айтинг-чи, ҳаёқ учун, унинг эрки учун мардонатор жанг қилган Тўмарис, Широк, Спитамен, Пўлатхон каби қаҳрамонларнинг қаерга қўмилганини ким билади? Ўрор, Афросиёб, Сигноқ каби бир маҳаллар гуллаб-яшнаган шаҳарлар йўқ бўлиб кетди.

Фақат инсон нафаси уфури турган китобгина, фақат юракларни тўқинилантирувчи сатрларгина боқийдир.

Ҳамма вақт одам қайда

яшамасин ўз ерини, элини, тилини, эркини ҳимоя қилган. Чунки буни ўша давр тақозо этган. Тарих бошидан ўтказган қора кунлардан ке-

АЁЛНИНГ
ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

Тадбирда ўқитувчи аёллар, маҳалла фаоллари ҳамда партия аъзолари иштирок этишди.

Мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида қатор қонунлар, ҳукумат қарорлари қабул қилинмоқда. Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш бўғунги куннинг долзарб муаммоларига айланган. Аёлларнинг парламентдаги иштирокини олаётган бўлсак, 1999 йил бўлиб ўтган сайловларда 1 минг 242 нафар номзоднинг 161 нафарини аёллар ташкил этган бўлса, шундан 18 нафари депутатликка сайланган. Айни пайтда Республика Олий

Мажлиси депутатларининг атиги 8 фоизи аёллардан иборат. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 25-30 фоизни ташкил этади.

Йиғилишда сўзга чиққанлар аёлларнинг фаоллигини ошириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Демократик жамият қуришда аёлларнинг фаоллигини, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан маҳаллаларда кенг кўламли ишларни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди. Маҳалла хотин-қизлар кўмиталарининг иши қайтадан кўриб чиқилиб, керакли чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди.

«Туркистон-пресс»

либ чиққан ҳолда, бизга кўплаб сабоқларни беради. Мана шу ўринда миллий қаҳрамонимиз саналган Абдурауф Фитратнинг фикрини келтирмоқчиман. «Тарих миллатларнинг ўтмишини, таракқийтини ҳамда таназзулининг сабабларини ўрганатурсан илмдир».

Шундай экан халқимизнинг узоқ ўтмишга эга бўлган тарихини ўрганишни, қанда қилмайлик. Ўз тарихимизни ўрганишимиз орқали биз нафақат ўтмиш воқеа-ҳодисаларидан хабардор бўламиз, балки ўтган аждодларимизнинг руҳини ҳам шод айлагаймиз!

Нозима АҲМЕДОВА

ОҚ ЙЎЛ, БИТИРУВЧИЛАР!

Яқинда Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежида ушбу ўқув юрти битирувчи ёшлар иштирокида ўтказилган анжуман «Оқ йўл, битирувчилар!» деб номланди.

Коллеж раҳбариятининг саёй-ҳаракатлари билан ўқув юртини тўғаллаётган ўқувчиларнинг битирув анжумани муқташ санъат қошонаси — Ўзбек Миллий академик драма театрида ўтказилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбек Миллий академик драма театри билан Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик, ўқувчиларнинг маданий савиясини ошириш йўлидаги алоқалар бошқа ўқув муассасаларига ибрат бўларлидир.

Театр раҳбарияти коллежда режалаштирилган кўплаб маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда театр зали, сахнасини ҳайрохотлик билан коллеж ўқувчи ва педагоглар жамоаси ихтиёрига топшириб келмоқда.

Шу кун ёшлар ҳаётида бир умрга эсда қоларли воқеалар бўлиб ўтди. Уларнинг қадрдон ўқув масканларида дилларни орзиқтирувчи сўнгги кўнгирак садолари

жаранглади. Бу кўнгирак ўқувчи ёшларнинг эъзозли билим даргоҳлари билан хайрлашаётгани ҳамда мустақил ҳаёт томон ташлаётган дастлабки қадамлари шарафига янграётган бонг эди.

Ўзбек Миллий академик драма театри атрофи тантаналар бошланишидан анча олдин коллеж ўқувчилари ва уларнинг қадрдон устозлари, меҳрибон ота-оналари, ака-укалари, ёру дўстлари билан гавжум эди. Қўлларда даста-даста гуллар тутган кечаги коллеж ўқувчилари бўлган йигит-қизларнинг юзларида табассум, ғурур акс этарди. Ахир ғурурланмай бўладими? Улар ўрта махсус маълумотга эга бўлишиб, катта ҳаёт қўйнига ошқмоқдалар...

Мураббий ва ўқувчилар билан биргаликда мамлакатимиз автомобилсозлиги, йўл қурилиши, давлат автомобил нозирати соҳаларида кўп йиллар хизмат қилиб келаётган фахрийлар, мазкур ўқув даргоҳини битириб кетган собиқ ўқувчилар, битирувчиларнинг ота-оналари, яқинларининг ушбу тадбирга ташиф буюриши унга ўзгача файз киритди.

Одатга кўра битирувчи талабаларни дастлаб коллеж директори Жасур Қўлмуҳамедов қутлади. Ўқув юрти раҳбари бу гал одатдагидан бошқачароқ гапирди, яъни юрак қаъридан чиқаётган эзгу тилакларини ҳаяжон билан изҳор этди. «Оқ йўл сизларга, менинг қалдирғочларим», — дея ўз сўзини тутатди билим юрти раҳбари.



Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси автомобиль ва дарё транспорт агентлиги Давлат илмий-методик маркази бош директори Лутфулла Исаев, Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Озода Каримова ёшларни ушбу қўтлуғ даргоҳни муваффақиятли тамомлаганликлари ҳамда катта ҳаётга йўллана олганликлари билан қизгин табриклади.

Тадбир сўнггида коллеж драма тўғараги қатнашчилари ҳамда ФМ-радио ғуруҳи томонидан ўқувчилар ҳаётидан қизиқарли саҳна томошалари кўрсатилди. Томошалар ўқувчиларнинг «Ҳайр, мактабим» қўшиғини қўйлашлари билан якунланди.

Залда йиғилганларга Ўзбек Миллий академик драма театрининг етук артистлари Жамшид Зокиров ҳамда Гавҳар Зокирова ижросидаги Санжарали Имомовнинг «Эргинанин оғзу» спектакли намойиш этилди.

Ўйлаймики, ушбу тантанали кун катта ҳаёт қучоғига йўл олган коллеж битирувчилари хотирасида узоқ сақланиб қолади.

Шавкат ЁҚУБОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар коллежи маънавият ва маърифат бўлимининг масъул ходими.
СУРАТДА: тадбирдан лавҳалар.



Мулоҳаза

ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ

Туғилиш ва ўлим ораллиғида инсон ҳаёт экан, у умри давомида босқичма-босқич дунёнинг сир-синоатларини англаб бораверади. Болаликда ўйин-кулгу, ёшликда орзу-хавас, шошқалоқлик кетма-кет хато қилиш, олднинг интилуши, кекса бошлагач эҳтиёткорлик, мулоҳаза, атрофдаги одамларни кузатиш, табиатнинг сирли жумбоқларига, яратганга имон келтириш инсоннинг инсоний хусусиятларидан биридир. Ибтидодан интиҳогача кишининг инсоний хоҳиш-истаклари ўзгармайди, бироқ вақт, замон, жамият ўзгаради. Моҳиятан инсон истаклари ўзгармасда, унинг йўналишлари қисқа ўн йиллик вақт мобайнида ҳам ўзгариши мумкин. Баъзан одам бирон-бир соҳани мукамал эгаллаб ортидан келаётган кишининг ҳатти-ҳаракатлари унга эриш туюлади. Бироқ соҳани мукамал эгаллаган шахс комилликка эришган соддаликдан мурраккабликкача бўлган жараён уни кўз олдида сакланади. Шунингдек, ҳар бир калбни ўз кўнгил ойнасида кўриб туради.

Масалан, эрталаб ишхонага келдинг, ёшсан, турли хил фикрлар гирдобидасан, қаршидан кексароқ кимса чиқиб, сенинг салом беришингни кутмасдан сенга салом берди. Бу салом шунчалик самимий чикдики, сен қанчалик тубан шахс бўлмаларин эртаси кунни уни ўзинг салом билан қарши олишни чин кўнгилдан истайсан. Аммо ҳамиша ҳам бундай бўлавермайди. Баъзан, шундай кимсалар борки, сенинг кўзингга қараб саломингни кутади, ёнидан ўтаётган бирон-бир ҳаёл билан салом бермасдан ўтсанг бутун ваҷоҳати билан сенга ташланиб қолади. Ваҳоланки, салом бериш қарз эканлиги ҳар бир оилада болалар онгига сингдирилди. Қолаверса, ҳар кун тонгдан одамлар бир-бирларига салом-алиқ қилиши одат тусига айланган. Шундай экан, сенинг ёшинг, ўтирган ўрнинг қанчалик улуг бўлсада камтарлик билан ёш болага салом бер, гарчи у тақаббурлик билан алиқ олганда ҳам вақт олий ҳакам- ўз ҳукмини пайти келиб қўрсатади.

Самарқанд Давлат университетидида Ботирхон Валихўжаев деган машҳур академик бор. Талабалиқ йилларимда у киши ҳақида жуда кўп илиқ сўзлар эшитардим-у, ўзим у кишини ҳеч қачон кўрмагандим. Нимадир бўлиб бир кун дарсимизга кирди. Курсимизда 60 фоиз отасининг арзандалари ўқирди. Ҳеч ким дарсга тайёр эмас, домла аудиторияга кирганида талабалар зўрға ўрнидан турди. Домла ўзини шунчалар содда, беғубор, самимий тутардики аудиторияда пашша учса сезиларди. У жуда сокин дарс ўтиб ўтилган мавзунни сўрай бошлади. Навбат менга келди. Дарсга умуман тайёр эмасман, ҳамиша бу ҳолатга тушганимда домланинг кўзига тик қараб «ўқимаганман», дердим ўзимни ўқиган қилиб кўрсатишни, ёлгон ҳаракатлар билан бу ҳолатдан чиқишга уринишни ёмон кўрардим. Бу сафар ҳам ўрнимдан туриб «ўқимаганман» деб шартта жавоб қайтардим-у, аммо ер ёрилмади ерга кириб кетмадим. Чунки Ботирхон Валихўжаев менинг тақаббурона берган

жавобимга ички бир маданият билан «ўтиринг қизим, хижолат бўлманг», дедилар. Ундан кўра юзимга шапалоқ тортгани яхшироқ эди.

Бизга домла бир ойгина дарс ўтди, аммо ҳамма болалар ўқирди, ўқимаган дарсга қармай қўя қоларди. Бир-биримизга «-о...о...» сен ўқиб келибсанми?» деб қўйсак. «Э домла жуда ёмон хижолат қилиб юборди», деб жавоб қайтарардик.

Ундан кейин жуда кўп яхши одамларни, яхши гапларни эшитдим, лекин негандир кўпчилиги юрагимда ишонч уйғота олмади. Негаки, кимнидир қора балчиққа ботириб, сенинг кўзингга қулиб турган одамга қандай ишонасан. Зотилик билан қилинган ҳатти-ҳаракатда зиё нур итишмаса сен қандай зиёли деб унга интиласан. Баъзан одамлар орасидан идеал шахс излашни бас қилиш керак деган қарорга келаман. Аммо, яхши одамларни кўрганимда яхши ҳам дунёда яхши одамлар бор, бўлмаса дунёнинг охирига кўриниб қолармиди, деган фикрга келасан.

Юнон файласуфлари 7 ёшгача болага шоҳга муомала қилгандек, унинг барча инжиқликларига қулоқ сол. 7 ёшдан 20 ёшгача қулга муомала қилгандек муомала қил. 20 ёшдан бўлган дўстнинг билан қандай муомала бўлсанг шундай алоқа қилгин, дейишади. Бизнинг жамиятда эса «алдагани бола яхши» шиори одамларимиз онгига сингиб қолган. Ахир бола ўсиб улғаяди, ота-онанинг ёлгон гапирганини англаб етади ва ёлгон гапирши ота-онадан болага мерос бўлиб ўтади. Одамзот яланғоч ҳақиқатдан ҳам кўради, аммо ҳаддан ортиқ ёлгон мулозамат ҳам кишини чарчатиб юборади. Ширин ёлгон билан ҳам одамни тарбиялаб бўлмайди. Агар устознинг сенга ёмон кўринмаслик учун яхши муносабатда бўлиб тўғри йўл кўрсатмаса унда ҳам ёмон, сени қўллаб-қувват-

ламай руҳингни синдирса унда ҳам ёмон. Сенга дўстона муносабатда бўлса, сенинг қалбингга қулоқ солиб ички эътиқодингни англаб етолса сен бундай устозни отангдан улуг деб қарашингга арзийди. Афсуски табиатан бўйига яраша бўй топиши кишига енгилроқ, бироқ кўнгилга яқин кўнгил топиши жуда қийиндир.

Биз ёшлар ва катта ёшлар орасидаги тафовутдан дилимиз хира бўлади. Катта ёшлар ўзларини ҳақ деб билсалар, ёшлар ҳам ўзларини ҳақ деб билишади. Масалан, оддий қайнона келин муносабати фикримиз далилидир.

Ёшлар катталарни ҳурмат қилиши, уларнинг кўнглини кўтариши лозим. Бироқ кексалар ҳам ёшларнинг кўнглини кўтариб келажакка ишонттиришлари керак. Чунки, улар ҳаёт синовларига бардош бериб яшашнинг ширин ва аччиқ таъмин билишади. Лекин била туриб, мен ёшлигимда ундок бўлганман, бундок қилганман, сен учун уни қилдим, буни қилдим дея ёшларга таъна, маломат қилиб ҳамда улардан ҳурмат-иззат талаб қилиши ёшларнинг иззат-нафисига тегишини ҳам унутмасликлари керак. Зўрма-зўраки ҳурмат билан, юрак туб-тубида асрайдиган ҳурмат орасида осмон билан ерчалик фарқи бор.

Ёшлар қандай бўлиш кераклиги кўпроқ катталарга боғлиқ. Чунки, ёшлар кўпроқ катталар орасидан кимгадир ўхшашини истайди. Бу эса катталардан кўпроқ нарсани талаб қилади. Демокриманки, катталар чизган чизикдан бугун ёшлар юрадини, юрмайди, бироқ вақт олий ҳакам. Фурсати келиб вақт ёшларга ўз ҳукмини ўтказди. Чунки, ибтидодан интиҳогача кишининг инсоний хоҳишлари ўзгармайди, фақат унинг йўналишларига ўзгаради, холос.

Шахло ҲОШИМОВА



«Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» МЧЖ маълум қилади

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, И.Франко кўчаси, 38а-уйда жойлашган «O'zdavlat'ta'limloiyahqurilish» МЧЖнинг Тошкент шаҳар муниципал биржа марказининг биржа савдоларига қўйилган 90 фоизлик давлат улуши, Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2004 йил 28 июндаги 222 к-ПО-сонли буйруғига асосан 2004 йилнинг 1 июлидан бошлаб биржа савдоларидан олинганлигини билдиради.

Шунингдек, «Тошкент оқшоми» газетасининг 2004 йил 5 июлдаги 128-сонидан ва 12 июлдаги 132-сонидан берилган, савдоларга қўйилган объектлар бўйича реклама эълонларининг ушбу объектга тегишли қисми янглиш берилганлиги сабабли, Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази юқоридаги реклама эълонларининг ушбу объектга тегишли қисmini чиқариб ташлаган ҳолда ўқилишини сўрайди.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннахр кўчаси, 16а-уй.

Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.

Сайт: www.tshmbm.uz; Э.ночма: birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2004 йилнинг 6,8 июль кунлари аукцион савдоларини ўтказди

Ўтказилган аукцион савдоларида Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 74-уйда жойлашган «Parkent ixtisoslashgan bozori» ОАЖ ҳудудида 38-та турғун савдо дўкони қуриш ҳуқуқлари харидорлар томонидан белгиланган шартлар бажарилмаганлиги, яъни:

- аукцион савдолари ўтказилган кунни савдо натижаси тўғрисида яқуний баённомасини;
- савдо кунидан 10 (ўн) кун муддат ичида қуриш ҳуқуқи олди-сотди шартномасини имзоламаганликлари сабабли қайтадан савдоларга қўйилиб сотилди.

Савдоларда:

- 37 та майдони 9 кв.м.дан бўлган лак-бўёқ маҳсулотлари савдо дўкони қуриш ҳуқуқи;
- 1 та майдони 36 кв.м.дан бўлган қурилиш моллари савдо дўкони қуриш ҳуқуқи сотилди.

Ушбу 2004 йил 6,8-июль кунлари ўтказилган аукцион савдоларида турғун савдо дўкони қуриш ҳуқуқини қўлга киритган харидорлар юқорида кўрсатилган шартларни белгиланган муддатларда бажармаган тақдирда савдо натижалари ўз қучини йўқотади ва сотилмаган турғун савдо дўконлари қуриш ҳуқуқи 2004 йилнинг 15 июлидан бошлаб ҳафтанинг ҳар сешанба, пайшанба кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қайтадан қўйилади.

Савдоларда Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин. Талабгорлар «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 5 фоизи миқдорида закатлат пули тўлайдилар. Аризалар қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир кун илгари соат 18-00 да тўхтатилади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16 «а»-уй манзилида жойлашган Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида ўтказилади. Соат 11-00 да бошланади.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16 «а»-уй, 204-хона.

Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

Спорт

ХАМКОРЛИК
ШАРТНОМАСИ
ИМЗОЛАНДИ

Грецияда навбатдаги ёзиқ олимпиаданинг бошланишига ҳам оз фурсат қолди. Олимпиадада қатнашадиган спортчиларимизнинг ҳомийлар томонидан зарур даражада қўллаб-қувватланиши галабалар сари муҳим омил бўлиши табиийдир.

Шаҳримиздаги «Ле-Меридиан Ташкент» меҳмонхонасида Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда жаҳонга машҳур «Самсунг» компанияси ўртасида ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти Азиз Носиров ҳамда «Самсунг» компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Ен Вук Ли «Самсунг» компаниясининг Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига бош ҳомийлик қилиши юзасидан шартномани имзоладилар.

Тадбирда сўз олганлар «Самсунг» компанияси ҳомийлигида спортчиларимиз олимпиадада муносиб қатнашиб, медаллар сонини янада кўпайтиришларига ишонч билдирдилар. Жаҳонга машҳур компания ҳозирча республика олимпиячиларининг тайёргарлиги учун 50 минг доллар ажратди. Йиғилишда «Самсунг»дан ташқари, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўз-дунробита», «Саркор телеком», «Нестле», «Совластитал» каби компания ва қўшма корхоналар юртимиз олимпиячилари билан ҳамкорлик қилиш ниятини билдираётгани таъкидлаб ўтилди.

ВЕЛОСПОРТЧИЛАР
БЕЛЛАШДИ

Тошкент вилоятида уч кун давомида велоспортнинг шосседая пойга тури бўйича Ўзбекистон биринчилиги беллашувлари бўлиб ўтди.

Мусобақа учта ёш тоифасида ўтказилди. Жумладан, кичик ёшдаги ўсмирлар ўртасида Д.Меликов, ўсмирлар баҳсида М.Мухаммедов, ёшлар ўртасида эса Ф.Яковенколар ғолиблар сафини бошқаришди.

Ғолиб ва совриндорлар дипломлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Даврон ҒУЛОМОВ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Спорт ўйинлари бўйича Республика олий маҳорат мактаби директори, баскетбол федерациясининг бош котиби

Хислат Солиҳович
АББОСОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Юнусобод» универсами жамоаси корхона директори Саида Мираюбовага турмуш ўртоғи

Мирборий Орипович
МИРАЮБОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Маданият тасканларида

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗГА
ХУШ КАЙФИЯТ
УЛАШМОҚДА

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирларнинг ҳамшаҳарларимизнинг мушаввиҳи савиясини ошириш, марокли дам олишларини ташкил этишда ўзига яраша ўрни бор.

Боғдаги муслиқий бадиий жамоалардан бири бу — 30 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган Игорь Свичко бошчилигидаги дам-ли чолғу созлар оркестридир.

Оркестр жамоаси ҳафтанинг чоршанба, шанба ва якшанба кунлари боғдаги ракс майдончасида махсус тайёрланган мавзули дастурларни намойиш қилмоқда. Шуниси қувонарлики, ушбу ижодий жамоа дастурида ўтган асрнинг 60-70 йилларидаги халқнинг сеvimли ракс-куйлари бўлмиш вальс, танго, фокстрот ва бошқалар мавжуд. Оркестр иштирокида ўтказилаётган барча тадбирларда шаҳримизда истиқомат қилаётган кўп миллатли кекса авлод вакиллари доимий равишда қатнашиб, навоқирон ўсмирлик давридаги раксларга тушиб

бениҳоя шод бўлмоқдалар. Ушбу оркестр иштирокидаги тадбирларнинг қатнашчилари доимий келувчилар бўлиб, кўп йиллик танишлардир. Шунинг учун ҳам улар иштирокида қўллаб турли байрам тадбирлари, кечалар, мулоқотлар ҳам-жихатлик билан ўтказилиб келинмоқда. Қатнашчилар-



нинг таклиф-истаклари инobatга олиниб оркестр жамоаси ўз ихро дастури-ни бойитиб бормоқда.

Оркестр ижро дастурларининг муваффақиятли чиқишида кўп йиллардан бери жамоада фаолият кўрсатиб келаётган уруш фахрийси, урма созлар ижрочиси Г.Грин, трубасози ижрочилари А.Чладбеков, Р.Соби-ров ва бошқаларнинг хизматлари қаттадир. Оркестрнинг ижро дастурларидан ракс учун мўлжалланган муслиқий асарлар билан бир қаторда ўзбек бастакорларидан Пўлат Холиқов, Ҳабибулла Раҳимов, Энмарк Солиҳов, Ҳайри Исомов ва бошқаларнинг муслиқий асарлари муносиб жой олган.

Оркестр таркибида пуф-лама созлардан кларнет,

труба, валторна, тромбон бас труба ва урма созларнинг меъёрига етказиб садолантирувчи муслиқчиларнинг маҳоратлиги мураккаб муслиқий асарларни ижро этиш имконини яратмоқда. Бу эса оркестр томонидан барча халқлар асарларининг катта маҳорат билан ижро қилинишини таъминламоқда. Бундан эса кўп миллатли тингловчилар миннатдордирлар.

Оркестрнинг боғдаги фаолиятидан бу ерга ташриф буюраётган дам олувчилар мамнунлар. Оркестрнинг келгусидаги ижролик маҳоратининг янада юксалишига биз ҳам тилакдоримиз.

Ўткир СУЛТОНОВ
СУРАТЛАРДА: оркестр иштирокида ўтказилаётган тадбирдан лавҳалар.

ҚИЗИҚЧИЛАР
ҲОЗИРЖАВОБЛИГИ

Республика пахтакорлари қурултойи қатнашчиларига Навоий театрида катта концерт берилиб, унда Ўзбекистон ҳукуматининг раҳбарлари ҳам иштирок этишаётган эди. Юсуф қизиқ билан Охун ҳам саҳнага чиқиб, йиғилганларни ичак узди аскиялари, кинояли ҳўқоялари билан роса қулдириллар. Бундан ўзлари ҳам мамнун бўлиб, саҳна орқасига ўтганларида, не кўз билан кўришсинки, режиссёрнинг қовоғидан қор ёғар эди.

— Нима, бу сизларга чойхонами! Театр саҳнаси бу! Унутдиларингми! Неча марта айтишим керак, ахир саҳнада рамкадан чиқиб кетманглар деб!

Қутилмаганда бу лўписадан Юсуф қизиқ ҳанг-манг бўлиб қолди. Бундай ҳолатда уста қизиқчилик қила олмаслигини Охун қизиқ яхши биларди. Концерт дастурида эса улар яна бир марта чиқишлари кўзда тутилган эди. Шунинг учун Охун қизиқ Юсуф қизиққа далда берди.

— Уста миямга бир антиқа фикр келди, айтайми?

— Айт Охун, айт қол!

Охун қизиқ устанинг қулоғига нималарнидир шивирлади.

Навбат яна қизиқчиликка келган эди, режиссёр ҳам талаб, ҳам илтижо маъносида гапирди:

— Бола-чақамиз бор, эртагям кун кўришимиз керак, сизлардан илтимос, саҳнада рамкадан чиқиб кетманглар.

— Хўп бўлади. Айтинг, саҳнага иккита стул қўйиб қўйишин.

Юсуф қизиқ билан Охун

қизиқ бўйинларига биттадан рамка осиб, стулда бошларини ҳам қилиб ўтираверишди. Сукунат давом этди. Қизиқчиликни кутган томошабинлар чапак чалиб юборишди. Шунда ҳам қизиқчилар лом-мим демая ўтираверишди.

Ниҳоят, режиссёр саҳнага чиқиб деди:

— Ахир, нима қилганларинг бу, нега нима ўтирибсизлар, 10 минут ўтиб кетди-я!

Шунда қизиқчилар ўринларидан даст турдилар, аввал томошабинларга, кейин режиссёрга қараб, бараварига ҳамма эшитадиган қилиб тапирдилар:

— Ахир, ўртоқ режиссёр, рамкадаги одамдан қандай қулту чиқади?

Залда ўтирган Йўлдош Охунбобоев ўрнидан туриб режиссёрга айтди: «Қизиқчиларнинг бўйнидаги рамкани олиб, кириб кетаверинг, улар берамка гапирмаса, халқ қулмайди».

Рамкадан ҳоли бўлган қизиқчилар пахтакорларни роса қулдиришди.

Тошкент ахборот технологиялари университети магистратура бўлимида тахсил олаётган толиб илмлар томонидан амалга оширилаётган изланишларда муҳим илмий ечимлар ҳал этилмоқда. Давлат гранти асосида қабул қилинган магистр Абдумин Саматов ҳам ўз магистрлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Маълум

БОЙ ТАЖРИБА
ҚЎЛ КЕЛДИ

Телекоммуникация технологиялари факультетининг сардори «Оптик кабелларга ташқи электромагнит майдонларини таъдиқлаш» деган бу изланишда мавзунинг қатор амалий томонларини ёритишга ҳаракат қилди.

Бунда унинг Тошкент шаҳар телефон тармоғи шохобчасида кабелчи-пайвандчи бўлиб ишлаган вақтда ортирган тажрибаси ҳам қўл келди. Бу изланиш шаҳар телефон тармоғининг станциялараро алоқа боғланмасига тақдим этилди.

Ирода СОДИКОВА

“ИШЛАБ ТОП!”

Жаноб тадбиркорлар ва мухтарам корхона раҳбарлари!

Биз навоздор, истеълоф, ғайритаъза тўла ишларимиз. Ўзига фидойи Сизнинг таърифи ва қўмандисини етказиб, Ғайрат ва таърифи билан ишларимизни қилди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борадиган энг қисқа йўл.

TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI

AMOLOT

Тошкент шаҳар “КАМОЛОТ” тадбиркорларга “Ишлаб топ” ижтимоий акциясида фойдаланишнинг энг яқин вақтида, бешлар учун мавсумий иш ўринларини тошкент шаҳрининг таъриф қилди.

Кўшимча маълумотларни

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин. Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz
www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тадбиркорларга “Тасвир” нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилган.
2812 нусхада босилган. Қўғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Намр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-нашрия акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.